Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2015-yil, 3-fevral. Seshanba ● 14 (31.917) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

**Конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.**

**ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ШУНИ ТАСДИҚЛАЙДИКИ, КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТНИ ШАКЛЛАНТИРМАСДАН ТУРИБ, ТОМ МАЪНОДАГИ ДЕМОКРАТИЯГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ УЧУН ЭСА БИР ҚАТОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛМОҚДА. БУ БОРАДАГИ АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛДИ. ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИ БУ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.








## Фақат профессионал депутатлар халқимизнинг талабига муносиб жавоб бера олади

ЎзХДП фракциясининг парламентдаги дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент палаталарининг қўшма мажлисида билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар яна бир бор ўрганиб чиқилди. Фракция фаолияти устувор йўналишларининг асосларини белгилашга доир таклифлар, хулосалар билдирилди.

Йиғилишда, аввало, мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантириш асосида парламент ислоҳотлари изчил амалга оширилаётгани, давлат бошқарувини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни, ваколатлари кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги 10 йил мобайнида мамлакатимизда икки палатали парламент шаклланди, палаталар ўртасидаги ваколатлар мутаносиб тақсимланди, шу билан бирга, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар ваколатлари ва мақоми янада кенгайди. Муҳими, бу қонун ижодкорлиги, қонунларни ҳаётга самарали татбиқ этиш ва жамиятда адолат тамойиллари устувор бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

► Давоми 2-бетда.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

## Парламент ислоҳотлари янги босқичида

### ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг жорий қилиш, янада такомиллаштириш талаб этилади

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш, амалиёт билан мувофиқлигини таъминлаш масаласида муҳим фикрлар ўртага ташланди.

**Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Хушвақт ҲАЙИТОВ** билан суҳбатимиз мана шу ҳақда.

► Давоми 3-бетда.

**Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.**

**БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА**

## Долзарб масалаларда ижтимоий шериклик

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда ижтимоий шерикликнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), вазирлик ва давлат қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Тошкент давлат юридик университети ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, халқимиз, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун фуқаролик жамияти институтлари янада ривожланишига эришиш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, ёшларга оид сиёсат соҳаларида ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ёндашилмоқда.

Давра суҳбатида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий шерикликни амалга ошириш шакллари, маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**ЎзА**

## Эътироф

Ўзбекистон икки палатали парламент тизимига ўтганидан кейин учинчи маротаба ўтказилган Олий Мажлис қонунчилик палатасига сайловлар жиддий камчиликларсиз ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчилар ҳамда хорижий ва маҳаллий журналистларни сайлов жараёнларидан хабардор қилиб туриш юзасидан ўз вазифасини тўлақонли амалга оширди.

Ўзбекистон фуқаролари мамлакат тараққиётига хайрихоҳ эканликларини намоён этиб, сайловда ўз келажаклари учун овоз бердилар.

**Правда Ратхор,**
**«World Mass Communication» журналининг бош муҳаррири.**
***Ҳиндистон***

Ўзбекистон парламент тизимидаги яна бир ўзига хосликка алоҳида эътибор қаратдим. Бу Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида Экологик ҳаракат ташкил этилгани, парламентда унинг вакилларига 15 ўрин ажратилганидир. Атроф-муҳитни авайлаб-асраш муаммолари ҳал қилинишининг долзарблиги ва экология масалалари глобал иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳисобга олинар экан, Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўли нақадар катта аҳамиятга ва эътиборга молик эканлиги аён бўлади. Бу тажриба Европа мамлакатларида диққат билан ўрганишга арзийди, деб ўйлайман.

**Тиаго Патрисио,**
**Monte SGPS, SA қурилиш компаниясининг бош ижрочи директори.**
***Португалия***

Ўзбекистон бой маданият, кўп асрлик тарих ҳамда ўзига хос урф-одат ва анъаналарга эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Ўлкаларимиз ўртасидаги масофа катта бўлишига қарамасдан, давлатларимиз ва халқларимиз яқин дўст бўлиб қолаётгани бизни қувонтиради.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида республикангиз барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Хусусан, мамлакатингизда бошқа жабҳалардаги сингари юқори қўшимча қийматли тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

**Кейко Кавадо,**
**TBS телекомпанияси бош шарҳловчиси.**
***Япония***


**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:**




Халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда

**парламентнинг ўрни, нуфузи ошиб бормоқда**



■ Ёлғиз кексалар ҳузурида: Бир кўнгил зиёрати

O`ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 3-fevral. Seshanba
14 (31.917)-son
www.uzbekistonovozi.uz

# Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиши зарур

**ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

## Фақат профессионал депутатлар халқимизнинг талабига муносиб жавоб бера олади

Гап шу ҳақда кетганда бир масалани алоҳида қайд этиш ўринли бўлади, назаримизда. 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун кучга кирди. Эътиборлиси, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан сиёсий партиялар фракцияларига янада катта ҳуқуқ берилди, қонун ижодкорлиги жараёнида уларнинг ваколати кенгайди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Бу борадаги ислоҳотлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси илгари сурилди. Унда ифода этилган ғояларнинг рўёбга чиқиши давлат бошқарувини демократлаштиришда, сиёсий партияларнинг таъсир кучини оширишда ўзига хос янги, айтиш мумкинки, туб бурилиш даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида Қонунчилик палатасининг Регламентига киритилган ўзгартишлар парламентдаги қонунчилик фаолияти сифатини оширишда сиёсий партиялар фракцияларига янада катта ваколатлар берди. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб сиёсий партиялар фракциялари профессионал асосда фаолият юритиши, ўз фикри, позициясини билдириши, ҳимоя қилиши учун етарли имкониятга эга бўлди.

Бироқ шунга қарамай, парламентда фракциялар, қолаверса, депутатларнинг берилган имконият ҳамда ваколатлардан фойдаланиш самарадорлиги кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу масалани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, парламент олдида турган ўта муҳим вазифаларни кўрсатиб берди. Мамлакатимизда профессионал парламент ислоҳотларини кейинги босқичга кўтаришда бу вазифаларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари парламент палаталарининг қўшма мажлисида таъкидланган ҳар бир масалани чуқур таҳлил қилишга, керакли хулосалар чиқаришга алоҳида эътибор қаратди.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишни **фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмонов** олиб борди ва маъруза қилди:

— Қўшма мажлисда парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш борасида олдимизда турган энг муҳим вазифаларга эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимиз депутатларнинг профессионал даражасини мунтазам ошириб бориш Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги бутун фаолияти давомида энг муҳим йўналишга айланиши даркор, дея таъкидлаб ўтди. Ҳар биримиз бу масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб олишимиз зарур бўлади.

Чунки давр ўзгариб, олдимизга янгидан-янги талаблар қўйилмоқда. Кечаги кун билан бугунги шароитни таққослаб бўлмайди. Ҳозирги парламент депутати ўз ишига профессионаллик нуқтаи назаридан ёндашиши керак. Бунинг учун мавжуд тажрибаларни ўрганиш, уларни замон талабидан келиб чиқиб, янада кучайтириш лозим. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида таклифларни илгари суриш билан чекланиб қолмаслик, амалдаги қонунларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, таъсирини мунтазам ўрганиб бориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан изчил назорат ўрнатиш, парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

Биз бир нарсани ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак. Бизнинг зиммамизда маълум бир ҳудуд доирасида эмас, балки мамлакат миқёсидаги масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, қонунлар сифатини оширишдек улкан масъулият турибди. Демак, шунга яраша фракциямизнинг ҳар бир аъзосидан чуқур билим, тинимсиз меҳнат ва фаоллик, энг асосийси, ишга халқ вакили, деган ишончга муносиб бўлиб ёндашиш талаб этилади.



**Феруза Эшматова,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Қонунлар пухта ва пишиқ, мукаммал бўлса, ижроси изчил таъминланса, бундан давлат ва жамият фақат манфаат кўради. Бунда асосий масъулият, албатта, парламент депутати зиммасига тушади. Чунки Қонунчилик палатаси депутати қонунларнинг ҳаётимиздаги таъсирчанлигини ошириш, жамиятдаги муаммоларни аниқлаб, уларнинг ҳуқуқий ечимларини топишда масъул бўлиши керак.

Қўшма мажлисда бу борада нималарга эътибор беришимиз кераклиги, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламент депутатининг вазифалари аниқ айтиб ўтилди. Хусусан, алоҳида қайд этилдики, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва уларни қабул қилиш жараёнида биз, аввало, мазкур қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж борлиги ва у қанчалик самарали ишлашини ўрганиб чиқишимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам, қабул қилинаётган қонунларнинг фуқароларимиз ҳаёт тарзига нечоғлик ижобий таъсир этаётгани, яна қандай ҳуқуқий масалаларга талаб борлигини доимий равишда ўрганиб боришимиз керак. Фракция ёки қўмита йиғилишида муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига таклиф киритиш билан вазифамни адо этдим, деган қараш мутлақо нотўғри, деб ўйлайман. Биз сайловчиларнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб бериш учун Қонунчилик палатасида ўтказилаётган йиғилишларда ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилиш билан чекланмаслигимиз керак, аксинча қонунлар ижроси, уларнинг халқ манфаатига уйғунлигини таҳлил этиб боришимиз, парламент назоратини изчил йўлга қўйишимиз зарур. Шунда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида айтилаётган таклифлар юзаки ва бир томонлама бўлиб қолмайди.

Одамларнинг турмуш фаровонлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аввало, қонун устуворлиги билан белгиланади. Биз бугун юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, албатта, қонунларимиз сифатини оширишга жиддий киришишимиз керак. Бунинг учун қонунлар мазмун-моҳияти бўйича аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар уюштириш, одамларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш, шу асосда фракциялараро баҳс-мунозараларни чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

**Собитхон Турғунов,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Албатта, юқорида таъкидланганидек, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — парламент назоратини кучайтириш ҳисобланади. Қўшма мажлисда ҳам депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш кераклигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Парламент назорати самарадорлигини таъминлашда асосий масъулият сиёсий партиялар фракциялари зиммасига юкланади. Аҳамиятли жиҳати, парламент назоратини амалга ошириш қонунларни ҳаётга тўла-тўкис жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг вақтида, самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб бориш, қонунчилик ташаббуслари сифатини ошириш имконини беради. Шундай экан, бугун ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятни чуқур англаши, фракция ишини мутлақо янгича асосда, замонавий усулларда ташкил этиши зарур.

Парламент назоратини самарали олиб бориш учун партия бошланғич ташкилотлари, маҳаллий кенгашлар ва партия гуруҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз керак. Шу орқали қонун ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганини ўрганиш, одамлар қандай муаммоларга дуч келаётгани, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги ҳақида таклиф ва тавсиялар олиш имкони бўлади.

Шунингдек, электорат манфаати ифода этилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида партия фаоллари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирокини янада кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам чуқур ўрганиш лозим. Бу қабул қилинаётган қонунларда аҳоли манфаати тўлақонли акс этишига хизмат қилади.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосидаги фракция таклифлари парламент Қонунчилик палатасида тузилган ишчи гуруҳига тақдим этиладиган бўлди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

**■ Хоразм вилоят партия кенгашининг Ш пленуми таҳлилий-танқидий руҳда ўтди. Унда партия ташкилотларининг ўтган йилдаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.**

## Имконият ва масъулият

– 2014 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳар бир партия ўз фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил қилиши кераклигини кўрсатди, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров.** — Чунки сайловчилар бу галги сайловда янада чуқур ўйлаб, партияларнинг амалий ишларига, номзодларнинг келгуси режаларига қараб овоз берди.

**Сайлов жараёнлари кучли курашлар остида ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу сиёсий жараёнларда муносиб иштирок этди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиз вакилларидан 15 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 103 нафар депутат сайланди.**

Сайлов жараёнлари кучли курашлар остида ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу сиёсий жараёнларда муносиб иштирок этди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиз вакилларидан 15 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 103 нафар депутат сайланди. Бу партиямизга электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар ишончини оқлаш йўлида катта имконият беради. Ҳар биримиз зиммамиздаги масъулиятни ҳис қилиб, астойдил ишлашимиз керак.

Пленумда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини йиғишни ўз вақтида якунлаш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтадиган IX қурултойига делегатлар сайланди.

**Санобар БЕРДИЕВА,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири.**

---

**ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА**

## Доимий эътибордаги масала

**■ Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.**

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили вилоятнинг шаҳар ва туман комиссиялари томонидан назоратсиз ва қаровсиз қолган болалар аниқланиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш чоралари кўрилган. Жумладан, болаларнинг бир қисми васийлик ва ҳомийликка ҳамда фарзандликка олиниб, 60 нафари Меҳрибонлик ва болалар уйларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган.

Йиғилишда тизимда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Масалан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларининг айрим ўқувчилари томонидан ўтган йили қатор қонунбузарликлар содир этилган. Бу баъзи туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан профилактика ишлари яхши йўлга қўйилмаганидан далолат.

Вилоятда бу каби ҳолатларни бартараф этиш, комиссияларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва унинг қуйи бўғинлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими М.Эсонов сўзга чиқди.

**ЎзА**

---

**ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ**

## Ҳаракат дастури бажарилиши керак

**■ Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга боғлиқ.**

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими Амударё туманида «Соғлом бола соғлом оилада камол топади» мавзусида ўтказган тадбирда шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Унда партия фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бўлими, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизлар ва ёш оилаларнинг тиббий маданиятини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларини жалб қилган ҳолда хотин-қизлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганиш, бу борада «Фаол аёллар» қаноти олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш, уларнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал қилишдаги таъсирини кучайтириш мақсадида 2015 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унда болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, тумандаги қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан таъминлаш масалаларини ўрганиш каби вазифалар ҳам белгиланган.

**ЎзХДПнинг янги Ҳаракат дастурида хотин-қизларнинг турмушини яхшилаш, оғирини енгил қилиш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган.**

Тадбирда партия ташкилоти ва депутатларнинг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Санемхон ЖУМАМУРАТОВА,**
**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши бўлим мудири.**

---



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ 24 НАФАРИНИ ЁКИ 16 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

■ ДЕПУТАТЛАРНИНГ 19 НАФАРИ ИЛГАРИ ҲУҚУҚШУНОСЛИК, 29 НАФАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИДА, 3 НАФАРИ БИЗНЕС СОҲАСИДА, 6 НАФАРИ БАНК ТИЗИМИДА, 87 НАФАРИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИ, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН.

■ ДЕПУТАТЛАРНИНГ 40 НАФАРИ ЁКИ 27 ФОИЗИ ОЛДИНГИ ЧАҚИРИҚДА ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

## ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг жорий қилиш, янада такомиллаштириш талаб этилади

**— Президентимиз қўшма мажлисдаги маърузасида Олий Мажлис томонидан қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарли даражада эътибор берилмаётганлигини таъкидлади...**

— Мамлакатимиз раҳбари парламентимизнинг сўнгги йилларда эришган ютуқларини эътироф этиб, шу билан бирга йўл қуйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Шунингдек, маърузада жиддий хатоликларга олиб келган сабаб ва шароитлар чуқур таҳлил этилди.

Парламентимиз ўтган беш йил мобайнида 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Ана шу даврда қабул қилинган 30 га яқин қонун ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Олий Мажлис фаолияти таҳлил этилганда қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижроси устидан парламент назорати етарлича олиб борилмаганлиги танқид қилинди. Бу борада, айниқса, парламент фаолиятида қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётига жиддий эътибор берилмагани алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда ҳуқуқни қўллаш амалиёти тушунчасига таъриф берсак. Қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти деганда қабул қилинаётган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши тушунилади. Қонун, аввало, ижроси билан кучли. Шу боис ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Парламентнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига кам эътибор қаратганлиги нимада намоён бўлди? Энг аввало, бу қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, мамлакатимиз тараққиётига қандай таъсир кўрсатаётганини ифодалайдиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаганлигида кўринади.

Президентимиз ҳар бир кўтарилган масала ечими бўйича ўз таклифларини билдирди. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта, ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Қонунлар ижросини таъминлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботи долзарб аҳамиятга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда сайловчилар билан учрашувлар, электорат вакиллари билан бўладиган мулоқотларда қонунлар тарғиботига жиддий эътибор қаратиши лозим. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш яхши самара беради. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошса, улар қабул қилинаётган қонунлардан хабардор бўлса, ўз-ўзидан қонунлар ижроси таъминланади.

**— Маърузада қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар талаб даражасида ишламаётгани ҳам қайд этилди. Бунинг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз?**

— Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз парламент қонун ижодкорлигида кўзга ташланаётган асосий камчиликлардан бири — бу кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаётгани эканини таъкидлади. Бунинг бош сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмаётганлигидир. Ушбу механизмларсиз қонунларда белгиланган қоидалар ишламаслиги эса тажрибадан маълум.

Бундан ташқари, маърузада айрим ҳолларда қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг профессионал даражаси етарли эмаслиги ҳам салбий аҳамият касб этиши таъкидланди.

Дарҳақиқат, қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида биринчи навбатда, унга реал ҳаётда қандай эҳтиёж борлигини аниқлаш лозим. Шунингдек, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларида такрорлар ва зиддиятли ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш талаб этилади.

Шу билан бирга, тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнларни тартибга солиш эса аввало, қонун қабул қилувчи олий орган — парламент зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

**— Мамлакатимизда қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида муҳокама этишнинг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.**

— Қонун лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қонунларни қабул қилиш парламентимиз ваколатига тегишли бўлсада, уларни тайёрлаш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш кўплаб давлат ва нодавлат тузилмаларининг бевосита ваколатига тааллуқлидир. Бу, айниқса, ривожланган демократик давлатлар тажрибасида кенг қўлланилади. Мазкур жараёнда турли жамиятлар, ҳуқуқий тадқиқот муассасалари, юристлар ассоциацияси каби жамоат ташкилотлари қонун ижодкорлигида фаол иштирок этади.

Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш лозим. Бу эса ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳаётимизга кенг жорий этиш имкониятини яратиб, мамлакатимиздаги ҳуқуқий тизим ва амалиётнинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маърузада қайд этилганидек, демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишга, шунингдек, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатларини ўтказиш муайян қонун лойиҳасини ва умуман, қонунчилигимизни бойитиш учун янги материалга эга бўлиш имконини беради.



> **«Биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Шу билан бирга, одамлар ўз ҳаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нималарни гапираётганига қараб, бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин»**

**— Шу ўринда яна бир масала хусусида фикр билдирсангиз. Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, сиёсий партиялар фракцияларининг давлат бошқаруви органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш нималарга боғлиқ деб ҳисоблайсиз?**

— Парламент нафақат фаол ҳуқуқ ижодкори балки, қонунлар ижросини назорат қила оладиган, таъсирчан тийиб туриш механизми сифатида ҳам кенг намоён бўлмоғи лозим. Маълумки, қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун билан тартибга солиш эҳтиёж туғилаётгани ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда парламент назорати муҳим ўрин тутади. Шунингдек, парламент назорати мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга бўлган ҳурматни шакллантиришда ҳам катта таъсир кучига эга ҳисобланади.

**2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур қонун орқали Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.**

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, сиёсий партиялар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функциялари кучайтирилди. Бу эса ҳукуматнинг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масъулияти янада ошишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз маърузасида яна бир муҳим масала — парламент назоратини амалга ошириш шакл ва воситаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, мамлакатимизда қабул қилиниши лозим бўлган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда назарда тутилиши лозим бўлган муҳим масалалар тўғрисида фикр юритилди. Унга кўра, янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг янги усулларини жорий этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Умуман олганда, ҳуқуқ ижодкорлигининг жамият ҳаётига бўлган таъсиридан келиб чиқиб айтиш керакки, бу соҳадаги фаолият доимо такомиллаштириб борилиши лозим. Чунки, барча ислоҳотлар қонунчилик базасини шунга мос равишда ўзгартиришни, вужудга келадиган муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиб боришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар узвийлигини таъминлайди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Нурали ОРИПОВ**
**суҳбатлашди.**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

---

Дунё

## Ишлаб чиқариш

### 70 фоиз ўсиши лозим

**БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташилоти томонидан тайёрланган маърузада қайд этилишича, 2050 йилларга бориб сайёрамиз аҳолиси оч қолмаслиги учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 70 фоизга кўпайиши лозим. Негаки, 2050 йилгача Ер шари аҳолиси 2,3 миллиардга кўпаяди ва унинг умумий сони 9,1 миллиард кишига етади.**



Экспертларнинг айтишларича, ўша пайтга бориб ҳам сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликка қарши кураш, табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, иқлим ўзгаришлари оқибатида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва иқлим ўзгаришларининг олдини олиш масалалари ўз долзарблигини йўқотмайди.

Ҳисоботларда қайд этилишича, 2050 йилга бориб, Ер юзи аҳолисининг 70 фоизга яқини шаҳарлар ва шаҳар атрофларида истиқомат қилади. Бу эса уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини мураккаблаштиради.

## Аденовируслар

### модда алмашинувига кучли таъсир кўрсатади

**Бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг олти нафаридан бири тўйиб овқат емасликдан азият чекаётган бўлса, ортиқча вазн ва семизликдан жабрланаётганлар сони ҳам ундан қолишмаслиги кузатув-тадқиқотларда аниқланган. Яъни, дунё бўйича 1 миллиарддан ортиқ одам ортиқча вазндан қутулиш учун чора излаётган бўлса, 300 миллиондан зиёд киши семизлик «касали»га дучор бўлган.**



Одатда, семизлик кўп овқат истеъмол қилиш ва кам ҳаракатлилик оқибатидир, деган ақидага кўникиб қолганмиз. Аммо ҳозирги замон олимлари буни инкор этмаган ҳолда семизликни келтириб чиқарадиган бошқа омилларни ҳам аниқладилар. Жумладан, АҚШдаги семизлик муаммолари бўйича илмий-тадқиқот маркази мутахассисининг айтишича, семириш сабабини фақат қувватли овқат истеъмол қилишдан ёки кам ҳаракатлиликдан излаш мантиққа тўғри келмайди. Бунда семиртирувчи вируслар асосий роль ўйнайди. Ҳозирги давргача жониворларда 5 та, одамларда эса 3 та семиртирувчи вирус борлиги аниқланган. Лаборатория тадқиқотлари ва тажрибалари шуни кўрсатдики, дейилади интернет хабарида, аденовируслар туркумига кирувчи бу вируслар ёғ тўқималарида модда алмашинувига кучли таъсир кўрсатаркан.

---

АНЖУМАН

# Ўзбекистон темир йўллари:

## янги вазифалар белгилаб олинди

**■ «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан 2014 йил якунлари ва 2015 йилдаги режалар ҳақида матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда компания бош менежери-бош муҳандиси Шерзод Исматуллаев 2014 йилда тармоқда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва жорий йилги режалар ҳақида маълумот берди. Унинг таъкидлашича, ўтган 2014 йилда компаниянинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи барча кўрсаткичлар ортиғи билан амалга оширилган. Ҳисобот даврида компания томонидан 80 миллион тонна юк ташилган. Юк айланмаси ҳажми 22,9 миллиард тонна км.ни ташкил этди. Шунингдек, қарийб 20 миллион. йўловчи ўз манзилларига етказиб қўйилди. 329,6 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари амалга оширилди. Компания корхоналарида ўтган йили 305,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 55,3 миллиард сўм миқдоридаги пуллик хизматлар кўрсатилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида компания томонидан 611 та иш ўрни яратилган.

Инвестиция дастурига мувофиқ компаниянинг молиялаштириш манбалари ҳисобидан 669,9 миллион. доллар миқдоридаги капитал маблағлар ўзлаштирилди. Улар Мароканд — Қарши, Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш, Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда юрувчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш, икки томонлама Жиззах — Янгиер электрлаштирилган янги темир йўл қурилиши, темир йўлларни реабилитация қилиш, юк ва йўловчи вагонлари паркини янгилаш, локомотивларни модернизация қилиш каби стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Хусусан, 54 та локомотив, 1 минг 488 та юк вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, 650 та юк ва 30 та янги йўловчи вагонларини қуриш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, Ангрен — Поп электрлаштирилган янги темир йўл линияси қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ҳисобот даврида жами 403,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

Ҳозирги вақтда Самарқанд — Бухоро темир йўл линиясида электрлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа бажарилиши жараёнида 700 дан зиёд, йўловчига хизмат кўрсатишни бошлаши билан яна 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилади. Электрлаштириш ишлари тугатилгач, Тошкентдан — Бухорогача яна 2 та юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий электропоезд қатнови йўлга қўйилади.

***Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири.***

---

ЭЪЛОН

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси Қўқон минтақавий темир йўл узелининг шўъба корхонаси уй-жой, хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан 2009 йил 26 июнда берилган № 001076-сон, реестр бўйича тартиб рақами № АЛ-478 рақамли рухсатнома (лицензия) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП МК балансидаги давлат рақами «01 323 ZCA», кузови XWB3L32VDEA 049059 бўлган NEXIA CONC русумли автомашинанинг кузов қисмини капитал таъмирлатиш учун танлов эълон қилади. Таклифлар 2015 йил 17 февраль кунига қадар қабул қилинади.

**Манзил:** Мустақиллик майдони 5/3 100029
Тел: (371) 239-18-49
Факс: (371)239-13-20

---

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1897,05 | 1 Канада доллари | 1918,25 | 1 Туркия лираси | 1000,59 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3682,73 | 1 Хитой юани | 390,22 | 1 Швейцария франки | 2640,14 |
| 1 Дания кронаси | 371,13 | 1 Россия рубли | 35,43 | 1 ЕВРО | 2771,81 |
| 1 БАА дирҳами | 664,89 | 1 Украина гривнаси | 151,14 | 10 Жанубий Корея вони | 22,18 |
| 1 АҚШ доллари | 2442,13 | 1 Малайзия ринггити | 672,95 | 10 Япония иенаси | 207,52 |
| 1 Миср фунти | 321,33 | 1 Польша злотийси | 660,95 | | |
| 1 Исландия кронаси | 18,34 | 1 СДР | 3442,91 | | |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Бу ёшларни кўриб, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишондим», — дейди Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган умуртқа поғонаси жарроҳлари халқаро уюшмаси раиси Ханс Йорг Леу



## Болалар спорти

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти филиали жамғарма маблағлари ҳисобидан 2003-2013 йилларда 151 иншоот барпо этилган. Унинг 118 таси, яъни 88 фоизи қишлоқ жойларда қад ростлаган. Бу ишлар болалар спорти билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилаётир.**

Андижонлик ёш спортчилар мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда тобора катта ғалабаларга эришмоқда. Бугун мамлакат терма жамоалари таркибида ҳам андижонлик спортчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу ютуқларнинг барчаси болалар спортига берилаётган эътибор самарасидир.

**ЎзА**

**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА**

# Самарали даволаш истиқболлари

## халқаро доираларда ҳам эътироф этилмоқда

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.**

Бугунги кунда мазкур муассасада 8 та бўлим, тез ёрдам хизмати, рентген диагностикаси бўлими ва инструментал-лаборатория диагностикаси бўлимлари мавжуд бўлиб, малакали мутахассислар томонидан юқори технологияли даволаш ва ташхислаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

— Ҳозирги пайтда ривожланган давлатларда тиббиёт соҳасида профилактика-соғломлаштириш ишлари олиб бориш йўли билан касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларни самарали даволаш амалиётларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди муассаса вертебрология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Шоҳайдар Шотурсунов. — Шунинг учун институтимизнинг мутахассислари бир йилда икки маротаба вилоятлардаги ҚВП, поликлиника, шифохоналарда бўлиб, профилактик-даволаш усулларини амалга оширишда врачларга методик ёрдам кўрсатади. Ўтган йилнинг ўзида институт директори, профессор Мирҳаким Азизов бошчилигида республикамизнинг тўртта вилоятида замонавий жарроҳлик амалиётлари бўйича маҳорат мактаби ўтказилди.

Жорий йилда ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Маҳорат мактаби» дастури бўйича мутахассисларимиз вилоятлардаги тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни давом эттиришади. Мақсад — илғор тажрибаларни ўргатиш, шифокорларнинг маҳоратини оширишдан иборат.

Бугунги кунда беморларни замонавий усуллар билан даволаш бўйича Швейцария, Германия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2012 йилда институт ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган травматолог ва ортопедлар съездида Швейцариядаги Цюрих шаҳрида жойлашган умуртқа поғонаси жарроҳлари халқаро уюшмаси раиси Ханс Йорг Леу юртимизга ташриф буюриб, мазкур соҳада даволаш истиқболлари ҳақида маъруза қилган эди. Олим бу борада институт мутахассислари томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишиб, юксак баҳо берди. Айниқса, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ёшларнинг инглиз тилида мулоқотга киришиши ва билимдонлиги уни қойил қолдирди.

«Бу ёшларни кўриб, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишондим», — дейди Ханс Йорг Леу. Шундан кейин у ҳар йили мазкур соҳа бўйича дунё олимлари иштирокида Цюрихда ўтказиладиган халқаро конференцияга Шоҳайдар Шотурсуновни маъруза қилиш учун таклиф этди.

— Бу мен учун кутилмаган таклиф бўлди, — дейди Шоҳайдар Шотурсунов. — Устозим, институт раҳбари Мирҳаким Азизовнинг қўллаб-қувватлаши туфайли анжуманга бориб, инглиз тилида маъруза ўқидим. Конференция якунида ўтказилган бошқарув йиғилишида Америка, Англия, Германия, Бразилия, Швеция, Япония ва бошқа давлатлардан келган олимларнинг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон умуртқа поғонаси жарроҳлари халқаро уюшмасига аъзо бўлди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

**Ҳайдар НОСИРОВ,**
**Нурулло ОСТОНОВ**

**СПОРТ**

**Шу кунларда Парижда юнон-рум ва эркин кураш бўйича Гран-при туркумидаги халқаро турнир қизғин давом этмоқда. Унда дунёнинг етмишга яқин давлати вакиллари орасида ҳамюртларимиз ҳам муносиб қатнашяпти.**

## Полвонимизнинг ғалабаси

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Қурбонов (74 кг) барча рақибларини енгиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Ҳал қилувчи беллашувда полвонимиз россиялик Осмон Исақовни 10:2 ҳисобида енгиб, олтин медаль билан тақдирланди.

## Футболчиларимиз халқаро турнирда

**Шу йилнинг март ойида футбол бўйича Бангладешда ёшлар (U-22) ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ўтказилади. Унда Шуҳрат Мақсудов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Сурия, Бангладеш ҳамда Ҳиндистон ёшларига қарши майдонга тушадилар.**

Айни пайтда ёш футболчиларимиз Таиландда давом этаётган халқаро турнирда иштирок этяпти. Унда мезбонлар билан биргаликда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Гондурас вакиллари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.



Ҳамюртларимиз дастлабки турда Жанубий Корея ёшлар терма жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, иккинчи учрашувда таиландликлар Гондурас футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

**2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ**

**Денов туманидаги «Номозгоҳ» маҳалласида яшовчи, 115 ёшни қаршилаётган Ҳадича Бойматова нафақат Сурхон воҳаси, балки мамлакатимиздаги ёши энг улуғ кексалардан бири ҳисобланади. Онахон фарзандлари, 30 нафардан ортиқ невара-эвараларидан ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.**

# «Юртимизга кўз тегмасин»

— Йўқчилик, қийинчилик дамларни кўп кўрдим, — дейди онахон. — Бир бурда нон бебаҳо неъмат эди ўша паллалар. Оғир ва машаққатли меҳнатнинг охири кўринмасди. Қанча-қанча одамлар очликдан нобуд бўлиб кетди. Не-не навқирон йигитлар урушдан қайтмади... Ҳозиргидек фаровон ҳаёт ҳеч қачон бўлмаган. Унинг қадрига етиш керак...



— **Мендан кўпинча, узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?** — деб сўрашади, — дейди онахон. — Ҳа энди, меҳнат одамни чиниқтирса, ҳалоллик кўнгилни хотиржам қилади. Ишсиз туролмайман. Ҳозир ҳам тонг саҳарда туриб, ҳовли ва томорқаларни айланаман, невaралар мактабга боришдан олдин чой ичиб олдими, деб сўрайман...

— **Момо, ҳаётингиздан розимисиз? — сўраймиз онахондан.**

— Мингдан-минг розиман. Мана, мустақил бўлдик, дориломон кунлар шарофати билан катта-катта иморатларни, халқимизга яратилаётган қулайликларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилади.

— **Нималардан кўпроқ хурсанд бўласиз?**

— Эрталаб мактабга кетаётган бахтиёр невараларимни кўриб, ҳар куни қувонаман. Юртимиз тинчлигидан, ҳаётимиз ободлигидан шукур қиламан.

Хайрлашаётганимизда онахон дуога қўл очди, юртимизга кўз тегмасин, ёшларимизнинг умрини берсин, илоҳим улуғ ёшларга кириб юриш ҳаммангизга насиб этсин...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

# Эл-юрт фаровонлиги йўлида

TURON BANK

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз молиявий муассасалари қаторида юртимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.**

Биргина 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 262 миллиард сўм кредит ажратилди. Мазкур маблағлар асосида 3700 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 413,7 миллиард сўмни ташкил этди. Хўжалик субъектларига ажратилган кредит қўйилмаларининг 109,3 миллиард сўми саноатга, 28,1 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 43,9 миллиард сўми транспорт ва коммуникация соҳасига ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига йўналтирилди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида банк томонидан 2014 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги жами 215 та лойиҳага 30 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилди. Хусусан, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида иссиқхона ташкил этиш ҳамда газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш лойиҳасини молиялаштириш учун «Сурхон Жар барака» масъулияти чекланган жамиятига имтиёзли шартлар асосида 630 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ҳозирда жамият томонидан автомобилларга газ қуйиш хизмати кўрсатилмоқда. 2 гектар ерда ташкил этилган иссиқхонада аҳолига сифатли полиз экинлари етиштирилади.

Банк томонидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун корхоналарга хомашё ва материаллар сотиб олиш мақсадларига 23,8 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида иссиқхона фаолияти юқори рентабелли бўлиб, замонавий технологиялар билан ҳамоҳанг ривожлантирилса, самарадорлик янада ошади. Бугунги кунда иссиқхона хўжалиги фаолиятини ташкил этиш капитал қўйилмаларни тез қайтариб олиш ва юқори фойда олиш манбаидир.

Иссиқхона хўжалиги қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, халқимизни витаминларга бой турли сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашда, шунингдек, қайта ишловчи корхоналарга хомашё етказиб беришда катта аҳамиятга эга.

Шофиркон туманида фаолият юритаётган «Сольинвесттрансстрой» масъулияти чекланган жамиятига «Туронбанк» АТБ Бухоро вилояти филиали томонидан кредит ресурслари ҳисобидан 500 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига Когон туманида 2 гектар ер майдонида махсус иссиқхона ташкил этилди.

— Бу ерда «Лилиос», «Жалила», «Торро» навли помидор кўчатлари, «Кавказ« навли бодринг кўчатлари экилган, — дейди **жамият раҳбари Абдусамад Санакулов.** — Бу йилги мавсумда етиштирилган полиз маҳсулотларини нафақат ички бозорга, шу билан бирга хорижий давлатларга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Мухтасар айтганда, «Туронбанк» сармоялари халқимиз фаровонлиги, эл-юрт равнақига хизмат қилмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**
***Хизматлар лицензияланган.***

**РЕКЛАМА**

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2015 йил 5 март куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 8 июлдаги № 10-1412/8549-сон ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «AGRO ULGURJI SAVDO INVEST» МЧЖ балансидаги умумий бошланғич нархи 52 299 702 сўм, 9 ўрамдан иборат 4,804 тонна бўлган елимли қоғоз (самоклеющаяся бумага) қўйилади.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 1 (бир) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари, шунингдек, **«Шоҳжаҳон» божхона омборхонасида сақлаш хизмати бўйича ҳамда савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловларни қоплаб бериш мажбуриятлари юклатилади.**

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Ушбу мол-мулк билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, қуйида кўрсатиб ўтилган манзил ва алоқа воситалари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

**Сотувчи:** Тугатилаётган «Agro ulgurji savdo invest» МЧЖ, Тошкент шаҳри, абонент қутиси-1797, инд: 100007, телефон: (+99890) 260-09-73.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

**Гувоҳнома № 005357**

**ОБ-ҲАВО** 3-4.2 — 2015

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -5 / -10 | 0 / +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -5 | +2 / +7 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | 0 / -5 | +2 / +7 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | -3 / +2 | +7 / +12 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | 0 / -5 | 0 / +5 |
| Тошкент шаҳри | -2 / -4 | +5 / +7 |



**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +6 / +6 |
| Париж | +3 / +4 |
| Москва | -2 / -3 |
| Мадрид | +10 / +6 |
| Пекин | +9 / +7 |
| Канберра | +25 / +23 |
| Рим | +11 / +12 |
| Афина | +14 / +17 |
| Стокгольм | -1 / 0 |
| Кейптаун | +27 / +26 |
| Қоҳира | +24 / +23 |

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши жамоаси меҳнат фахрийси, партиямиз фаоли **Отабой ЎРИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20908 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.25
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6